

Ибн Ақийл турли илмларни эгаллагани ва асарлари хилма-хил экани



11:00 / 13.12.2020 1923

Ибн Ақийлнинг турли илмларга тегишли йигирмага яқин таснифотлари бўлган. Таснифотларнинг энг улкани «Фунун» китобидир. Бу жуда катта китоб бўлиб, унда ваъз, тафсир, фикҳ, усулул-фикҳ, усулул-дин, наҳв, луғат, шеър, тарих, ва ҳикояларга оид жуда кўплаб қимматли маълумотлар жамланган.

Шунингдек, ўтказган мунозараларию мажлисларини ҳамда қалб кечинмаларию хулосаларини ҳам ушбу китобда қайд этган.

Саккиз юз жилдли «Фунун» китоби у зотнинг кўплаб китобларидан бири экани ҳақида Ҳофиз Заҳабий: «Дунёда бу китобдан кўра каттароқ китоб битилмаган, буни менга тўрт юзинчидан кейинги жилдларидан бирини кўрган киши гапириб берди», деган.

Ибн Ражаб ҳам: «Баъзилар уни саккиз юз жилд дейишган», деган сўзни келтирган.

Изоҳ: «Фунун» китобининг кичик бир бўлаги топилган ва Байрутда 1970-1971-йилларда «Дарул машриқ» томонидан икки жилдда чоп қилинган.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан